

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

“БАНК ИШИ” КАФЕДРАСИ

РЕФЕРАТ

Мавзу: Банкларда пул муомаласини ташкил этиш

**Бажарди: БИ 50 гуруҳ талабаси
Х. Қличев**

Тошкент – 2014

РЕЖА.

Кириш

- 1. Ўзбекистонда монетар сиёсатнинг ўзига хос хусусиятлари**
- 2. Банкларда пул муомаласини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари**
- 3. Тижорат банкларида пул муомаласини тартибга солишни такомиллаштириш**

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Кириш.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий пировард мақсади мамлакат иқтисодиётида бозор муносабатлари тамойилларини тўлиқ қарор топишидан иборатдир. Ушбу жараёнда муомаладаги пул массасини тартибга солишнинг самарали тизимини вужудга келтириш, пул муомаласи ва кредит соҳасини янада такомиллаштириш ва барқарорлаштириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Давлат мустақиллигига эришилиши билан Ўзбекистон Республикаси олдида инфляция жараёнлари ва ишлаб чиқариш тушкунлигига барҳам бериш, бозор талабларига жавоб берадиган молиявий тизимни вужудга келтириш, халқаро валюта ва савдо тизимиغا интеграция қилинишга йўналтирилган макроиқтисодий ислохотларни амалга оширишга оид мураккаб масалалар пайдо бўлди.

Ушбу кўрсаткичларга эришишни таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки асосий ўринлардан бирини эгалламоқда. Чунки пул муомаласини тартибга солиш, кредит-банк соҳасини назорат қилиш, қатъий пул-кредит ва валюта сиёсатини амалга ошириш унинг функцияларига киради.

Марказий банк банк тизимининг бош банки бўлиб, пул-кредит сиёсатини, эмиссия жараёнларини олиб боради ва миллий пулнинг барқарорлигини таъминловчи муассасадир.

Марказий банк давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим йўналиши бўлган пул-кредит сиёсати бўйича ўз фаолиятини ҳар йили қабул қилинадиган “Пул-кредит сиёсатининг асосий йўналишлари” доирасида олиб боради. Асосий йўналишларда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, пул-кредит сиёсатини юритиш, мамлакат тўлов тизимини такомиллаштириш, инфляция даражасини пасайтириш, иқтисодиётнинг пулга бўлган талабини тўлиқ кондириш мақсадида зарур чора-тадбирлар белгилаб олинади.

2010 йилда пул-кредит сиёсати «Монетар сиёсатнинг 2010 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари» асосида ҳамда Ўзбекистон

Республикаси Президентининг 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган дастурий маърузаларида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилди.

Хусусан, иқтисодиётнинг пулга бўлган талабини тўлиқ қондириш орқали иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва инфляция даражасини 8 фоиздан ошишига йўл қўймаслик мақсадида муомаладаги пул массасининг белгиланган параметрлар доирасида бўлишига, шунингдек валюта ва молия бозорларининг барқарорлигини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди.

Марказий банк томонидан 2010 йилда ташқи савдо балансининг ижобий бўлиши натижасида банк тизими соф ташқи резервларининг кўпайиши ҳисобига юзага келган қўшимча ликвидликни стерилизация қилиш операциялари давом эттирилди.

Шунингдек, Молия вазирлиги томонидан муомалага чиқарилган давлат ўрта муддатли облигациялари билан бирламчи ва иккиламчи бозорларда олди-сотди операцияларини амалга ошириш давом эттирилди.

2010 йилда тижорат банклари мижозларининг депозитларига ўрнатилган мажбурий резерв талаблари муомаладаги пул массасини ва банк тизими ликвидлигини тартибга солишнинг муҳим воситаларидан бири сифатида қўлланилди.

2010 йилда монетар омилларнинг инфляцияга таъсирини олдини олиш мақсадида ва пул массасининг мақсадли параметрларидан келиб чиқиб Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 14 фоиз миқдорида ушлаб турилди. Бу эса, ўз навбатида пул бозорида фоиз ставкаларининг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилди.¹

¹ 2010 йилдаги макроиқтисодий ҳолат ва реал сектор таҳлили (www.cbu.uz)

1 . Ўзбекистонда монетар сиёсатнинг ўзига хос хусусиятлари

Маълумки, иқтисодий тартибга солишда давлат бош ислохотчи вазифасини ўтайди. Бироқ, давлатнинг ушбу функциясини маъмурий-буйруқбозлик тизимидаги давлатнинг иқтисодийдаги гегемонлиги тушунчаси билан адаштирмаслик керак. Бозор иқтисодиётининг асосий қонидаси шуки, давлат иқтисодийнинг ривожини учун турли хил сиёсатларни амалга оширади. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, давлат сиёсатининг асосий кўринишлари монетар ва фискал соҳаларида амалга оширилади. Қуролни ишлатиш учун қўл керак бўлганидек, давлат ўз сиёсатини маълум органлар орқали амалга оширади. Ушбу органнинг сиёсатни амалга оширишдаги ваколатлари тегишли қонунлар орқали белгилаб берилади. Мавзудан узоқлашмаган ҳолда монетар сиёсатни амалга оширувчи орган – Марказий банклар ҳақида сўз юритсак.

Марказий банкларнинг тарихан пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожланишига эътибор қиладиган бўлсак, уларнинг тижорат банкларидан анча кеч пайдо бўлганлигига амин бўламиз. Марказий банкларнинг юзага келишига асосий сабаб банк тизимининг бутунлай ишдан чиқиши даражасига етиши, яъни ҳар бир банк ўзича ва ўзи белгилаган микдорда муомалага турли хилдаги ҳамда турли номиналдаги пул белгилари чиқариши билан юзага келган. Бу ўз навбатида бевосита муомалада товар ва моддий қимматликларга нисбатан пулнинг бир неча баробар кўпайишига ва оқибатда нафақат банк тизимининг, балки бутун иқтисодийнинг издан чиқишига олиб келган. Бу эса эмиссион банкларнинг марказлаштирилишига олиб келган. Натижада, эмиссия қилиш ҳуқуқини қўлга киритган банкнинг бошқа банкларга нисбатан барқарор ва мустаҳкам бўлиши маълум бўлди. Бу орқали банк тизимида мавжуд бўлиши керак бўлган соф рақобат йўқотилиб, кўзланган натижага эришилмади. Шундан сўнг, иқтисодчи олимлар тижорат банклари фаолиятини бошқарадиган ва фаолияти жиҳатдан улардан фарқ қиладиган банкни вужудга келтириш зарурлигини англаб етдилар. Шу тариқа марказий банкларнинг вужудга келишига ва уларнинг фаолиятига зарурият

туғилди. Шундай қилиб, биринчи Марказий банк 1656 йилда Швецияда, ундан сўнг 1694 йилда Англияда вужудга келди.

Марказий банк банк тизимининг бош банки бўлиб, пул-кредит сиёсатини, эмиссия жараёнларини олиб боради ва миллий пулнинг барқарорлигини таъминловчи муассасадир.

Марказий банк банк тизимида тартибга солувчи бўғин ҳисобланади, шунинг учун унинг фаолияти пул муомаласини мустаҳкамлашга, миллий валюта бирлигининг барқарорлигини таъминлашга ва сақлашга; мамлакат банк тизимининг ривожланишига ва мустаҳкамланишига; ҳисоб-китобларни самарали ва тўхтовсиз амалга оширишни таъминлаш билан боғлиқ.

Ҳар қандай давлатда Марказий банк ҳукумат банки бўлиб ҳисобланади ва унинг мавқеи ўша давлат қонунлари билан белгиланади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўз фаолиятини 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонунга асосан олиб боради. Қонунда Марказий банкнинг мақоми, мақсади ва вазифалари, функциялари, фаолият тамойиллари ўз аксини топган.

Шунингдек, Қонунда “Марказий банкнинг бош мақсади миллий валюта барқарорлигини таъминлашдан иборат” дейилган. Нархларнинг барқарорлигини таъминлаш ва миллий пул бирлигини хорижий валюта бозорларида айирбошлаш курсининг барқарор бўлишига эришишни кўзда тутувчи бу мақсад давлатнинг иқтисодий сиёсатида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ўрни жуда муҳим эканлигини белгилайди.

Миллий валюта барқарорлигини таъминлаш учун Марказий банк қатор муҳим вазифаларни ҳал этади. Улардан энг асосийлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- Монетар сиёсатни ва валютани бошқариш сиёсатини шакллантириш, қабул қилиш ва амалга ошириш;

- Ўзбекистон Республикасида ҳисоб-китобларнинг самарали тизimini яратиш;
- Банклар фаолиятини тартибга солиш ва банкларни назорат қилиш;
- Ўзбекистон Республикасининг расмий олтин-валюта захирасини сақлаш ва уни бошқариш;
- Молия вазирлиги билан биргаликда давлат бюджетининг касса ижросини уюштириш.

Давлатларнинг банк қонунчиликларида ўзаро жиддий фарқлар бўлсада, Марказий банкнинг функциялари ва вазифалари борасида кўпгина умумий ўхшашликлар мавжуд. Бу ўхшашликлар айниқса, бир қатор ривожланган давлатларнинг марказий банклари функцияларида намоён бўлади.

Ривожланган мамлакатлар марказий банкларининг деярли барчаси бажарадиган анъанавий функцияларга қуйидагилар киради:

- Эмиссия функцияси;
- “Банкларнинг банки” функцияси;
- “Давлатнинг банки” функцияси;
- Олтин-валюта захираларини бошқариш функцияси.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки эса ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун қуйидаги асосий функцияларни бажаради.

1. Иқтисодиётни пул-кредит дастаги ёрдамида бошқариш;
2. Ҳисоб-китоб ва пул ўтказиш операцияларини бажаришни йўлга қўйиш;
3. Тижорат банклари фаолиятини бошқариш ва назорат қилиш;
4. Тижорат банкларининг касса захираларини жамғариш ва сақлаш;
5. Расмий олтин-валюта захираларини сақлаш;
6. Ҳукумат учун ҳисоб-китоб ва кредит операцияларини бажариш;
7. Тижорат банкларига кредит бериш;
8. Пул эмиссияси.

Марказий банк ҳукуматнинг расмий пул-кредит институти сифатида намоён бўлади. Марказий банк орқали давлатнинг иқтисодий сиёсати, янада аниқроғи давлатнинг монетар сиёсати олиб борилади.

Монетар сиёсат – пул-кредит тизимининг иқтисодиётни фаолият кўрсатиши ва ривожланишига жиддий тарзда таъсир кўрсатиш қобилиятига таянадиган иқтисодий сиёсат бўлиб ҳисобланади. Монетар сиёсат валюта курсига, фоиз ставкаларига, банк тизимининг умумликвидлилиқ ҳажмига ва табиийки бутун иқтисодиётга таъсир ўтказиш учун йўналтирилади. Бу вазифаларни ечишда иқтисодиётни барқарор ўсишини ҳамда ишсизлик ва инфляцияни камайишини таъминлаш мақсади ётади.

Марказий банк монетар сиёсати иккита асосий сиёсатдан иборат бўлиб, булар: пул-кредит сиёсати ва валюта сиёсатидир. Ўз навбатида валюта сиёсати пул-кредит сиёсатига бевосита боғлиқ бўлиб, иккала сиёсат ҳам давлат иқтисодий сиёсатининг ажралмас қисмидир. Кўпгина ривожланган давлатларда валюта ва пул-кредит сиёсатини ажратишмайди ва биттагина термин – “Монетар сиёсат” деб аташади.

Монетар сиёсатнинг асосий мақсади миллий валюта барқарорлигини таъминлаш, валюта курси ва фоиз ставкаларини оқилона ўрнатиш асосида инфляция суръатларини камайитиш, кредитдан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш ва иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашдан иборат.

Монетар сиёсатнинг асосий мақсадидан келиб чиқиб оралиқ ва пировард мақсадларни ажратиш мумкин.

Монетар сиёсатни амалга оширишнинг оралиқ мақсадлари миллий валюта курсининг барқарорлигини таъминлаш, муомаладаги пул массаси ҳажмини тартибга солиш, молия тизимининг барқарорлигини таъминлаш бўлса, пировард мақсадлари иқтисодий ўсиш, тўлиқ бандликни, баҳоларнинг ҳамда тўлов балансининг барқарорлигини таъминлашдан иборат.

Монетар сиёсатнинг оралиқ мақсадларига эришиш орқали пировард мақсадларга эришишни мумкин.

Монетар сиёсат концепциясининг якуний ҳамда оралиқ мақсад ва вазифалари жадвалда келтирилган.

1-жадвал.

Монетар сиёсат концепциясининг якуний ҳамда оралиқ мақсад ва вазифалари чизмаси²

Монетар сиёсат йўналиши	Пировард мақсадлар		Оралиқ мақсадлар	
	Кўрсаткич/индикатор	Муассаса сектори	Кўрсаткич/индикатор	Муассаса сектор
Инфляцияни пасайиши	Инфляция суръатлари	Умуман иқтисод	Ялпи пул массаси	Умуман иқтисод
Балансга келтирилган тўлов баланси	Айрибошлаш курси	Ташқи сектор	-Ҳақиқий айрибошлаш курси; -давлат резервлари; захираси	-Монетар ҳукуматлар; -банк тизими
Молия тизими ривожланиши ва барқарорлиги	Монетаризация даражаси	Банк тизими	-Активлар тузилмаси ва ҳажмлари; -мажбуриятлар тузилмаси ва ҳажмлар; -молиявий воситачилик кўрсаткичлари	Банк тизими
Барқарор иқтисодий ўсиш	Ҳақиқий ЯИМ ўсиш суръатлари	Умуман иқтисодиёт	Пулга бўлган талаб	Умуман иқтисодиёт
Тузилмавий ислохотлар	Янги ва устун тармоқлар ўсиши суръатлари	Янги ва устун тармоқлар	Янги ва устун тармоқларга банк кредитларини ҳажми	Янги ва устун тармоқлар
Йирик ва ўрта корхоналар молияларини барқарорлаш тириш	Корхоналар рентабеллиги ва молиявий барқарорлиги ўсиши	Асосий йирик ва ўрта корхоналар	Банк кредитлари ҳажми	Асосий йирик ва ўрта корхоналар

Монетар сиёсат икки йўналишда олиб борилиши мумкин. Биринчи йўналиш –кредит экспанцияси бўлиб, бу сиёсат пул-кредит эмиссиясини рағбатлантириш йўли билан олиб борилади, яъни ишлаб чиқариш суръатлари тушиб кетган ҳолда конъюнктурада ривожланишга эришиш мумкин. Иккинчи йўналиш – кредит рестрикция сиёсати бўлиб, у иқтисодий ўсиш даврида пул-кредит эмиссиясининг қисқаришига асосланади.

²Манба: О.Номозов «Монетар сиёсатнинг ислохотчилик концепцияси» Бозор, пул ва кредит. Журнали 6-сон 2000 йил 64 бет.

Монетар сиёсатнинг икки хил кўринишини ажратиш мумкин. Биринчиси, “юмшоқ” пул-кредит сиёсати деб аталувчи сиёсат бўлиб, уни яна “кадрсиз пуллар” сиёсати деб ҳам аташади. Бунда Марказий банк:

а) очик бозорда давлат қимматли қоғозларини уларга тўловни аҳоли ҳисобрақамларига ва тижорат банклари захираларига ўтказиш орқали сотиб олади. Бу тижорат банклари кредитлаш имкониятларини кенгайтишини ва пул массасининг ошишини таъминлайди;

б) ҳисоб ставкаси фоизини пасайтиради, бу эса тижорат банкларининг Марказий банкдан қарз олиш имкониятини кенгайтиради ва паст фоиз ставкаларида ўз мижозларини кредитлаш ҳажмини оширади.

в) банкларнинг мажбурий заҳира меъёрларини пасайтиради, бу эса ўз навбатида пул мультипликаторнинг ошишига ва иқтисодиётни кредитлаш имкониятларининг кенгайтишига сабаб бўлади.

Демак, “юмшоқ” пул-кредит сиёсати пул массасини ошириш ва фоиз ставкаларини тушириш орқали иқтисодиётни рағбатлантиришга йўналтирилади.

Иккинчиси, “қаттиқ” пул-кредит сиёсати бўлиб, у “қиммат пуллар” сиёсати деб ҳам номланади. Бунда Марказий банк:

а) очик бозорда давлат қимматли қоғозларини сотади, натижада уларга тўлов аҳоли ҳисобрақамларидаги ва тижорат банклари захираларидаги маблағларнинг камайишига сабаб бўлади. Бу эса ўз-ўзидан тижорат банклари кредитлаш имкониятларининг пасайишига ва пул массасининг камайишига олиб келади;

б) ҳисоб ставкаси фоизини оширади, бу эса тижорат банкларининг Марказий банкдан қарз олиш имкониятини пасайтиради ва тижорат банклари кредитлари бўйича фоиз ставкаларини ошишига олиб келади. Бу пул массаси ҳажмининг ўсишни ушлаб туради.

в) банкларнинг мажбурий заҳира меъёрларини кўтаради, бу эса ўз навбатида пул мультипликаторни пасайтиради ва пул массаси ҳажмини чегарлайди.

Демак, қаттиқ пул-кредит сиёсати рестриктив (чекловчи) характерга эга бўлиб, пул массасини ўсишини чегаралайди ва у инфляцияга қарши сиёсат сифатида қўлланилиши мумкин. Мисол тариқасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг сўнгги йиллардаги инфляцияга қарши қаратилган сиёсатини келтириш мумкин.

Шунингдек, Марказий банк “тор” ва “кенг” монетар сиёсатни олиб бориши мумкин. “Тор” сиёсатда валюта бозорида интервенция, ҳисоб ставкаси ва қисқа муддатли фоиз ставкасига таъсир ўтказувчи бошқа инструментлар ёрдамида валюта курсининг мабуллигига эришиш тушунилади. “Кенг” сиёсатда муомаладаги пул массасига таъсир этиш орқали инфляцияга қарши кураш тушунилади. Монетар сиёсатнинг халқаро жиҳатлари валюта курси, валюта резервлари ва тўлов баланси каби масалаларнинг ечимига қаратилган бўлади. Марказий банк рухсат этилган инструментлар ёрдамида пул муомаласини бошқариб боради. Марказий банкнинг монетар сиёсатининг асосий инструментлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- Мажбурий заҳиралар нормаси;
- Дисконт (ҳисоб ставкаси) сиёсати;
- Очiq бозордаги операциялар сиёсати;
- Валюта сиёсати;
- Таргетирлаш ва бошқалар.

Очiq бозордаги операциялар муомаладаги пул массасини бошқариш, банк тизими ликвидлигини тартибга солиш ва фоиз ставкалари барқарорлигини таъминловчи инструмент сифатида Марказий банк томонидан мунтазам равишда қўлланилиб келинди.

Марказий банк томонидан 2010 йилда ташқи савдо балансининг ижобий бўлиши натижасида банк тизими соф ташқи резервларининг кўпайиши ҳисобига юзага келган қўшимча ликвидликни стерилизация қилиш операциялари давом эттирилди.

Хусусан, 2010 йилда Марказий банкнинг депозитларига жалб қилиш операцияларининг ҳажми 2009 йилга нисбатан 1,3 мартага ошиб, қарийб 3,0 трлн. сўмни ташкил қилди.

2010 йилда тижорат банклари мижозларининг депозитларига ўрнатилган мажбурий резерв талаблари муомаладаги пул массасини ва банк тизими ликвидлигини тартибга солишнинг муҳим воситаларидан бири сифатида қўлланилди.

Пул массасининг мақсадли параметрларидан келиб чиққан ҳолда тижорат банклари томонидан узоқ муддатли депозитлар жалб қилинишини янада рағбатлантириш мақсадида мажбурий резервлар нормаси, юридик шахсларнинг муддати 1 йилгача бўлган депозитлари учун - 15 фоиз, муддати 1 йилдан 3 йилгача бўлган депозитлари учун – 12 фоиз, муддати 3 йилдан ортиқ бўлган депозитлари учун - 10,5 фоиз миқдорида ўзгартирилмасдан қолдирилди.

2010 йилда кредитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаларининг пасайиши кузатилди. Хусусан, қисқа муддатли (муддати бир йилгача бўлган) кредитлар бўйича фоиз ставкалари йил бошидаги 15,7 фоиздан декабрь ойига келиб 13,8 фоизгача тушди. Узоқ муддатли кредитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси 2010 йилда 13,0 фоизни ташкил этди.

2011 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра бир АҚШ долларининг номинал қиймати 1 640,0 сўмни ташкил қилиб, миллий валютанинг номинал девальвацияси 8,5 фоизга тенг бўлди.

Сўмнинг АҚШ долларида бошқа хорижий валюталарга нисбатан алмашув курслари ушбу валюталарнинг ташқи валюта бозорларидаги АҚШ долларига нисбатан курслари динамикаси ва ички валюта бозорида сўмнинг АҚШ долларига нисбатан алмашув курси таъсири остида шаклланди.

Шунга мувофиқ, 2010 йилда сўмнинг япон иенасига нисбатан алмашув курси 20,3 фоизга ва фунт стерлингга нисбатан 3,8 фоизга пасайган бўлса, еврога нисбатан 2,2 фоизга кўтарилди.

2. Банкларда пул муомаласини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки мамлакатда пул муомаласини тартибга солувчи ягона банк ҳисобланади. Марказий банкнинг асосий функцияларидан бири бўлиб эмиссия операцияси ҳисобланади. “Эмиссия” сўзи лотинчадан олинган бўлиб, “Миқдор” деган маънони билдиради. Бугунги кунда эмиссия операциялари нафақат муомалага пул чиқариш ва олиш балки сохта пулларни аниқлаш каби ишларни ўз ичига олади.

Барчага маълумки, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ягона эмиссия ва захира банки ҳисобланади. Унга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пулни муомалага чиқариш ва муомаладан қайтариб олишнинг ягона ҳуқуқи берилган. У томонидан Ўзбекистон Республикаси банклари уртасида нақд пул бирлигини бошқариш тартиби амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг асосий функцияларидан бири пул эмиссияси вазифасини бажаришдир, яъни муомалага пул чиқариш ва муомаладаги ортиқча пул белгиларини муомаладан олиш Марказий банкка юклатилган. Эмиссия операцияларини бажариш учун пул захира фондлари бўлиши лозим.

Марказий банк эмиссия операцияларини бажариш мақсадида, Марказий банк тасарруфидаги ҳудудий бошқармаларида ҳисоб – китоб – касса марказлари ва уларнинг филиалларини очади. Бунда банкларни нақд пул билан таъминлаш ва улардан лимитдан ортиқча бўлган касса колдикларини қабул қилиш учун Марказий банк рухсати билан пул билетлари метал тангаларнинг захира фондлари ташкил этилади.

Нақд пул билетлари ва тангалар кўринишида бўлади. Марказий банк пул билетлари ва тангаларининг захира фондлари унинг рухсати билан ҳисоб китоб касса маркази ва уларнинг филиалларидаги пул омборларида ташкил этилади. Рухсат олиш учун Марказий банк тасарруфидаги ҳудудий

бош бошқармалари Марказий банкнинг эмиссия касса операциялари департаментига рухсат бериш тўғрисидаги захира фондини очиш зарурлигига асосланган илтимоснома ва пул омборининг тулдирилган паспортини такдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк бошқармаси захира фондларини очиш тўғрисидаги материалларни куриб чиқади. Бойликлар сақланиши, уларга доир операциялар бажарилишини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий ҳужжатларида курсатилган меъёрларга мувофиқ таъминлаш учун зарур бўлган барча шарт – шароит мавжудлигини текширади. Шундан сунг захира фондларини ташкил этиш учун рухсатномани беради. Шу билан бирга захира фондларининг лимитлари ҳам белгилаб берилади.

Мамлакатда нақд пул оборотини ташкил этиш “Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки тўғрисида”ги Қонунга асосланган ҳолда ишлаб чиқилган “Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидалари” (1998 йил 17 декабр № 565) асосида амалга оширилади.

Ушбу йўриқномага асосан қуйидаги қоидалар асосида нақд пул обороти ташкил қилинади. Булар:

1. Барча юридик шахслар мулкчилик шаклидан қатъий назар, ўзларининг пул маблағларини банк муассасаларида сақлашлари шарт.

2. Юридик шахслар ўртасидаги ҳисоб-китоблар ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ фуқаролар иштирокидаги ҳисоб-китоблар банк муассасалари орқали, қонунчиликда кўзда тутилган ҳолатлардан ташқари нақд пулсиз тартибда амалга оширилади.

3. Ташкилотлар томонидан банк муассасаларидан олинган нақд пуллар қандай мақсадлар учун олинган бўлса, фақат шу мақсадлар учун сарфланади.

4. Ташкилот ўз кассасида нақд пулларни улар қолдиғини белгиланган лимити доирасида сақлаши ва улардан тушум ҳисобидан белгиланган меъёрлар чегарасида сарфланиши мумкин.

5. Мулкчилик шаклидан қатъий назар савдо ва маиший хизмат кўрсатиш соҳасидаги ташкилотларнинг нақд пул тушумидан иш ҳақи, пенсия ва нафақалар тўлаш учун фойдаланиш ман этилади.

6. Нақд пул тушуми ҳисобидан маблағ сарф қилиш ҳуқуқи фақатгина Вазирлар Маҳкамасининг қарорида кўрсатилган ташкилотларга рухсат этилади

7. Ташкилотлар кассасидаги нақд пул қолдиғининг белгиланган лимитдан ортиқча қисмини ҳаммасини банкка белгиланган тартибда ва муддатда топширадилар.

8. Ташкилотлар ўз кассаларида лимитдан ортиқча фақат меҳнатга ҳақ тўлаш, мукофот, ижтимоий суғурта бўйича нафақалар, стипендия, пенсия бериш учун банкдан олинган кунни қўшиб ҳисоблаганда 3-кун ушлаб туришлари (банкдан ўзоқда жойлашган хўжаликлар эса 5-кун) учун рухсат этилади.

9. Хизмат сафари билан боғлиқ харажатлар учун нақд пуллар хизмат сафарига юборилаётган шахсларга мазкур ҳудудда амал қилаётган тартиб бўйича тегишли миқдор ҳажмда, кейин ҳисоб бериш шarti билан берилади. Пулнинг сарфланмаган қисми берилган муддат тугагандан кейин 3-кун ичида ташкилот кассасига қайтарилиши керак.

10. Нақд пул қабул қилиш ва топшириш бўйича касса операциялари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида тасдиқланган бирламчи ҳисоб ҳужжат шакллари билан расмийлаштирилади.

Банк томонидан нақд пул қуйидаги ҳужжатлар асосида қабул қилинади:

А) корхоналар, ташкилотлар, муасасалар ва аҳолидан 0402001 шаклдаги бадалнома (объявления)лар бўйича квитанциялар бериш билан, фуқаролар омонатга пул қўйганларида омонат дафтарчасига шу тўғрида ёзиб қўйилади, дафтарча кўрсатилмаган тақдирда пул қўювчига 0402004 шаклдаги квитанция берилади.

Б) транспорт корхоналари ва ташкилотларидан 0402003 шаклдаги нақд пул бадалномалари бўйича 0402003 шаклдаги квитанция бериш билан.

В) хайрия фондларига ўтказилувчи нақд пулли бадаллар 0402001 шаклдаги бадалномалар бўйича 0402004 шаклдаги квитанциялар бериш шарти билан 0402001 шаклдаги бадалномалар масъул ижрочининг имзосидан ташқари назоратчининг имзоси бўлиши керак. Мазкур операциялар бухгалтерия ходимлари томонидан алоҳида дафтарга қайд этилиш лозим.

Г) бошқа барча тушумлар 0482005 шаклдаги кирим касса ордерлар бўйича 0402004 шаклидаги квитанциялар бериш орқали қабул қилинади

Нақд пулсиз пул айланиши пулли муносабатлар иштирокчиларининг жойлашувига қараб бир шаҳар ичидаги ва шаҳарлараро пул айланишига бўлинади. Бир шаҳар ичидаги пул айланиши бир ҳисоб марказига қарашли банклар ўртасидаги ҳисоб-китоблар мажмуини билдиради. Шаҳарлараро пул айланиши эса турли ҳисоб марказларига ўрашли банклар ўртасида амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар йиғиндисидир.

Нақд - пулсиз ҳисоб - китоблар қўйидаги элементлардан ташкил топган. Булар: нақд - пулсиз ҳисоб - китобларни олиб бориш ва амалга оширишнинг асосий тамойиллари; ҳисоб - китоб шакллари; ҳисоб - китоб ҳужжатлари; тўлов тури; навбати, манбалари; ҳисоб - китоб қатнашчилари, банкнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва бошқалар.

Нақд - пулсиз ҳисоб - китоблар ўзининг иқтисодий моҳиятига қараб товарларни сотиш жараёни билан боғлиқ ҳисоб - китоблар ва нотовар характердаги ҳисоб - китобларга бўлинади. Товарларни сотиш жараёнидаги ҳисоблар моддий бойликлар айланиши билан боғлиқ бўлиб, улар асосан корхона, ташкилотлар ўртасида олиб борилади.

Нақд пулсиз ҳисоб - китоблар ҳисоб ҳужжатлари асосида олиб борилади. Шартномага асосан мол етказиб берувчи ўз вақтида товарнинг пулини (эквиваленти) олиши, мол сотувчи пулни ўз вақтида ўтказиши зарур.

Нақд - пулсиз ҳисоб - китоблар қўйидаги асосий тамойилларга асосланади:

- корхона, ташкилотлар ўз пул маблағларини (ўз маблағларини ва қарз маблағлар) банкда сақланишлари зарур.
- барча нақд пулсиз ҳисоб - китоблар банк орқали ўтиши керак;
- хўжалик органлари ҳисоб - китоблар шакллари эркин танлашлари ва уни шартнома орқали мустаҳкамлаб қўйишлари мумкин;
- хўжалик органларнинг ҳисоб - китоблар бўйича шартномавий муносабатларига банк аралашмаслиги керак;
- товарлар ва хизматлар учун тўловлар тўловчининг розилиги билан амалга оширилади.
- тўловлар хўжалик органларининг ҳисоб варақасидаги маблағлари ҳисобидан, баъзида (агар корхона кредит олиши мумкин бўлса) банк кредити ҳисобидан амалга оширилиши мумкин;
- тўлов қондаси мол етказиб берувчи ва мол сотиб олувчи томонидан мол етказиб бериш тўғрисидаги шартнома асосида келишиб олинади;
- мол етказиб берувчининг ҳисоб варағига пул маблағларини ўтказиш шу маблағларни мол сотиб олувчининг ҳисоб варағидан ўчирилганидан кейин амалга оширилади, (бундан чеклар билан ҳисоб - китоб қилиш мустасно);

Тўлов механизми хўжалик субъектларининг товар алмашувини молиявий томондан ташкил этиб, унинг бенуқсон ва тўхтовсиз ишлашидан бутун иқтисодиёт самарали фаолият кўрсатиши мумкин. Ҳозирги кунда пластик карточкалар жаҳоннинг 200 дан ортиқ мамлакатларида харид қилинган товар ва кўрсатилган хизмат учун ҳисоб-китобларнинг тезкор, қулай ва ишончли воситаси сифатида фойдаланилмоқда. Бу ўз навбатида пластик карточкалар жаҳон «техник тараққиёт»нинг муҳим унсурларидан бири эканлиги ҳақида хулоса қилиш имконини беради.

Карточкаларни кўп белгиларига қараб таснифлаш мумкин.

Тайёрланган материалга қараб карточкалар;

- қоғоздан (картон)

- пластикадан
- металдан

Ҳозирги кунда амалиётда пластик карточкалар бошқаларига нисбатан кенг қўлланилмоқда. Бироқ қоғоз карточкалар ҳам ҳаётимизда кўп учрайди.

Карточкага ахборотларни ёзиш бўйича:

- Графикли ёзиш;
- Эмбоссирланган;
- Штрих-кодли;
- Кодировкани магнит полосага ёзиш;
- Чипли;
- Лазерда ёзилган.

Ҳисоб-китоб механизмига кўра:

Икки томонлама тизим — бунда ҳисоб-китоб қатнашчилари ўзаро келишув асосида фойдаланувчилар товарларни тор сетлар орқали сотиб олиши мумкин. Назоратни карточка эмитенти (универмаг, бензин шаҳобчаси ва бошқалар) ўз қўлида сақлайди.

Кўп томонлама тизим-бунда фойдаланувчига ҳар-хил сотувлар ва хизматлар кўрсатувчилардан товар ва хизматларни кредитга сотиб олиш имконияти яратилади. Бунда бу сотувчи ва хизмат кўрсатувчилар пластик карточкаларни тўлов воситаси сифатида тан олади. Кўп томонлама тизимни банк картлар миллий уюшмаси, шунингдек туризм ва кўнгил очар ишлар бўйича пластик карточкалар чиқарувчи компаниялар бошқаради. (Масалан American Express)

Ҳисоб-китобларнинг амалга оширилиши бўйича:

Кредит карточкалари- бунда фойдаланувчилар товар ва хизматларни кредитга олишда ва касса қарзини олишда кредит линиясидан фойдаланишадилар.

Дебетли карточкалардан фойдаланувчилар банкоматлардан нақд пул олиш ва электрон терминалдан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб қилиш орқали товарларга ва хизматларга ҳақ тўлаши мумкин. Бунда

фойдаланувчининг банкдаги ҳисобварағидан маблағ ҳисобдан чиқарилади. Дебет карталар бўйича агар фойдаланувчининг ҳисобварағида маблағ мавжуд бўлмаса, бу пластик карточкалар бўйича муомалалар амалга оширилмайди. Кредит карточкалардан дебет карталарнинг афзаллиги бир тўлов бўйича чекланишларнинг йўқлиги ҳисобланади.

Электрон ҳамён - жисмоний шахснинг карточкаси ҳисобланиб, ундан фойдаланиши унинг эгасига пластик карточкалардаги қолдиқ маблағлар доирасида маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматларга ҳақ тўлаш ёки нақд пул маблағларини олиш имконини беради. Бир электрон карточкада бир нечта «электрон ҳамёнлар» жойлашган бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида” ПҚ-1438- сонли Қарори қабул қилинди.

Унга кўра аҳоли ва юридик шахсларга кўрсатилаётган молия-банк хизматларининг ҳажми ва кўламини кенгайтиришга, хусусан, пластик карточкалар, терминаллар бўйича хизмат кўрсатиш сифатини оширишга алоҳида эътибор берилган. Жумладан:

- 2011-2015 йилларда банк пластик карточкаларини муомалага чиқариш ҳажмини 1,5 мартага ошириш орқали банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада кенгайтириш;

- маҳаллий хом ашёдан фойдаланган ҳолда пластик карточкаларни йилига 500 минг донадан кам бўлмаган ҳажмда ишлаб чиқарилишини маҳаллийлаштиришни таъминлаш;

- банк пластик карточкаларидан тўловларни қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларини ишлаб чиқаришни таъминлаш;

- пластик карточкалар билан ҳисоб-китоб қилиш тизимининг маълумотлар базасига рухсатсиз киришдан ишончли ҳимоялашни ва махфий

ахборотларни ҳимоялашни таъминлашга имкон берувчи янги дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва маълумотлар базасига кира оладиган шахслар доирасини қисқартириш ҳисобига товламачилик фаолиятидан келиб чиқадиган таваккалчиликларни олдини олиш.³

Бугунги кунда Ўзбекистон бозорида пластик карточкалардан фойдаланиш билан боғлиқ афзалликлар кўзга яққол ташланмоқда. Бу, биринчи навбатда, пул йўқолиши хатарининг камайиши, анъанавий талон-тарож шакллари хатарининг бартараф этилиши, нақд пулдпн фойдаланишдаги ноқулайликлардан холилик билан ифодаланади. Савдо ва пулли хизматлар кўрсатиш корхоналари ҳамда банкларнинг пластик карточкалардан фойдаланиш орқали эга бўладиган ютуқлари ҳам кам эмас. Хусусан, маблағларни инкассация қилиш, ташиш ва нақд пулга айлантириш харажатлари камаяди, харидорлар билан ҳисоб-китоблар соддалашади. Бундан ташқари, пластик карточкалардан фойдаланишнинг қуйидаги логистик афзалликлари ҳам мавжуд:

- ахборот оқими кўпаяди;
- савдо нуқталарининг етказиб берувчилар олдидаги қарзлари камаяди;
- товар айланиши ҳажмлари ортади;
- савдо соҳасида маблағлар айланиши ҳажми ўсади;
- товар-пул оқимиға хизмат кўрсатиш борасидаги қўшимча харажатлар камаяди.

Бутун дунёда халқаро пластик карточкаларнинг замонавий технологиялари жуда жадал суратларда ривожланиб бормоқда, шуларни баъзиларнинг имкониятларини келтириб ўтамыз, фикримча ушбу соҳани мамлакатимизда янада ривожланиши учун ёрдам беради. 2003 йилда АҚШ дунёга машҳур Nokia компанияси билан шартнома имзолади, унга кўра MasterCard PayPass уяли телефони орқали тўлов тизимини ташкил этди. Бу тизим орқали пластик карточка эгасининг уяли телефон рақамини пластик

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438- сонли Қарори

карточкани эмитент қилувчи банк рўйхатга олади, сўнгра телефон тўлов тизими орқали савдо қилишга шартнома тузган барча товар ва хизматлар кўрсатувчи пунктлар билан тўлов амалиётларини телефонлар орқали бажаришлари мумкин бўлади.

Мамлакатимизда қатъий белгиланган нархларда тўловлар қабул қилаётган корхоналар, жумладан, метро, автобус каби хизмат кўрсатиш объектлари учун MasterCard PayPass нинг махсус терминалларини ўрнатиш лозим. Махсус PayPass⁴ терминаллари масофадан туриб, яъни карточкани терминал қурилмасига солмасдан туриб, пластик карточканинг «очик баланси»даги маблағидан белгиланган суммани автоматик равишда харажат қилиб олиши мумкин. Натижада мижозларнинг вақтларини тежаб қолишга, нақдсиз пул айланмасининг ортишига эришиш мумкин. Хизмат кўрсатиш ташкилотлар учун эса бу қурилманинг қулайлиги ва ҳозирда бизда ишлатилаётган терминалларга нисбатан бир неча баробарга арзонлиги уларнинг харажатларини камайтиришига олиб келади.

Нақд пулни банкдан ташқари айланмасини камайтириш мақсадида Республикамизда фаолият юритаётган барча савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари ўзларининг пластик карточкаларини жорий этишлари лозимлиги тўғрисидаги таклифни киритиш керак. Натижада мамлакатимиздаги нақд пул тушумига эга бўлган корхоналар ўртасида рақобат муҳити шаклланишига эришилади. Ҳар бир савдо корхонаси ўзининг бренди асосида пластик карточкаларини ишлаб чиқаришади, масалан, МТС, Билайн, TPS, Sarkor каби алоқа компанияларининг карточкаларига ўхшаш, сўнгра карточкаларни ўзаро сотув шаҳобчаларига тарқатишади, дўконлардаги савдо амалиётларини асосан юқорида акс эттирилган ўзларининг карточкалари асосида амалга оширишади. АҚШда ҳудди шу каби амалиётдан фойдаланишади, йирик савдо компаниялари дўконларида нақд пулга савдо амалиётларини қабул қилишмайди, балки ўзлари томонидан

⁴ www.mastercard.com/paypass

чиқарилган карточкаларни қабул қилашади. Бу билан қисман бўлса ҳам нақдсиз пул маблағлари айланишига кўмаклашиш имконини беради.

DUET тизимида ишлайдиган тижорат банклари томонидан Ўзсаноатқурилишбанкнинг муомалага чиқарилган VISA пластик карточкаси эгаларига савдо шаҳобчаларида хизмат кўрсатилишини ташкил қилинса нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизими ривожига катта ҳисса қўшилган бўлар эди.

3. Тижорат банкларида пул муомаласини тартибга солишни такомиллаштириш

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгилаб берилган республикани 2010 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари, шу жумладан, 2009-2012 йилларга мўлжалланган «Инқирозга қарши чоралар дастури» доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга хизмат қилмоқда.

2010 йилда пул-кредит сиёсати «Монетар сиёсатнинг 2010 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари» асосида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган дастурий маърузаларида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилди.

Хусусан, иқтисодиётнинг пулга бўлган талабини тўлиқ қондириш орқали иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва инфляция даражасини 8 фоиздан ошишига йўл қўймаслик мақсадида муомаладаги пул массасининг белгиланган параметрлар доирасида бўлишига, шунингдек валюта ва молия бозорларининг барқарорлигини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди.

Пул-кредит, монетар сиёсатни белгилашда Марказий банк ҳукумат томонидан прогнозлаштирилган макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўсиш динамикаси билан муомаладаги пул массаси ўзгариши ўртасидаги

мутаносиблик даражасини аниқлаш ва доимий равишда унга эришишдан иборат бўлмоғи лозим. Чунки халқ хўжалигининг ҳар бир тармоғида маълум даражада ўсишни таъминлаш албатта қўшимча пул маблағларини талаб қилади. Демак, доимо ялпи ички маҳсулот ўсиши билан пул массаси ўсиши ўртасида қандайдир мутаносиблик бўлишни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг монетар сиёсати ўзига хос хусусиятларга эга бўлмоқда. Биринчидан, мажбурий резервлар миқдорининг юқорилиги- тижорат банкларининг ресурсларини қисқаришига сабаб бўлмоқда. Тўғри, мажбурий резервлар тижорат банкларининг ликвидлилигини таъминлайди. Бироқ, у тижорат банклари ресурсларининг камайишига сабаб бўлади.

Иккинчидан, очик бозор операцияларини ривожлантириш лозим. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки шу восита орқали ҳам муомаладаги пул-массасига таъсир ўтказа олиш имкониятига эга бўлади. Бу орқали Марказий банкнинг пул-кредит сиёсатини юритишдаги таъсирчанлигини ошириш мумкин бўлади.

Ўзининг ислохот моделига эга бўлган Ўзбекистон иқтисодий ўсиш шароитларини ҳам, инфляция суръатларини кескин камайтириш вазифасини ҳам нисбатан осонроқ ҳал этишнинг уддасидан чиқмоқда, деб айтиш учун барча асослар бор.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг монетар сиёсатини асосий вазифалрдан бири ҳам инфляция суръатларини пасайтиришдан иборат. Чунки Марказий банкнинг монетар сиёсатини тўғри олиб борилишига таъсир қилувчи омиллардан бири бўлиб инфляция ҳисобланади.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки монетар сиёсати ўзига хос хусусиятлардан келиб чиқмоқда. Хулоса қилиб айтганда, Марказий банкнинг монетар сиёсати таъсирчанлиги қанчалик ошса, шу даражада иқтисодиётимиз барқарорлиги кафолатланади.

Хулоса

Бозор иқтисодиёти тизимидаги мамлакатларда монетар сиёсатни тўғри амалга ошириш аввало шу мамлакат пул тизимининг барқарорлигига эришилишига ва натижада эса умумиқтисодий барқарорлик даражасига сабаб бўлади. Таъкидлаб ўтганимиздек, давлатнинг монетар сиёсати моҳияти жиҳатидан ҳам, мақсади ва вазифалари жиҳатидан ҳам турли давлатларда фарқ қилади. Ҳар қандай давлатда ҳам монетар сиёсатни бошқарув пакети давлат қўлида бўлган, яъни давлат банки ҳисобланадиган марказий банклар амалга оширади. Биз кўриб ўтганимиздек, деярли барча давлатларда, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида ҳам Марказий банк тўғрисида Қонун қабул қилинган ва унда Марказий банкнинг мақсад ва вазифалари белгилаб берилган. “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида” ги Қонунда Марказий банкнинг бош мақсади қилиб миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш белгиланган.

Марказий банк пул барқарорлигини таъминлаш учун мамлакат пул тизимида (мавжуд фоиз ставкаларига, валюта курсларига ва бошқаларга) таъсир этиш учун бир қанча тадбирларни амалга оширади. Ушбу тадбирлар мажмуаси Марказий банкнинг монетар сиёсати дейилади.

Монетар сиёсатнинг асосий мақсади миллий валюта барқарорлигини таъминлаш, валюта курси ва фоиз ставкаларини оқилона ўрнатиш асосида инфляция суръатларини камайтириш, кредитдан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш ва иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашдан иборатдир.

Монетар сиёсат бевосита ва билвосита усуллар билан амалга оширилиши мумкин.

Марказий банк муомаладаги пул массасини тартибга солишда монетар сиёсатнинг бозор инструментларидан фойдаланиш билан бир қаторда уларнинг самарадорлигини ошириб боради.

Хусусан, Марказий банк томонидан тижорат банклари ликвидлик даражасининг етарли миқдорда бўлишини таъминлаш мақсадида вакиллик

ҳисобварағидаги маблағлар мониторинги мунтазам равишда амалга ошириб борилади ва уларнинг оптимал даражада бўлиши учун барча зарурий чоралар кўрилади.

Шунингдек, мажбурий резервлар нормаси банк тизимининг ликвидлик даражасидан келиб чиққан ҳолда ўзгартириб борилади.

Марказий банк очик бозордаги операциялар кўламини кенгайтириб боради. Банк тизимида қўшимча ликвидлик юзага келган ҳолларда, тижорат банкларининг вақтинчалик бўш пул маблағларини Марказий банкнинг махсус депозитларига жалб қилиш билан боғлиқ стерилизация операциялари амалга оширилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни, 1995 йил 21 декабрь.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 1996 йил 25 апрель.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Банк сири тўғрисида”ги Қонуни 2005 йил 25 апрел. Халқ сўзи 2005 йил 26 апрель.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 16 декабрдаги “Электрон тўловлар тўғрисида”ги ЎРҚ-13-сонли Қонуни
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида” ПҚ-1438- сонли Қарори
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 19 апрелдаги “Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1325-сонли Қарори
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 апрелдаги “Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1090-сонли Қарори
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 27 мартдаги “Нақд пул маблағларини жалб қилиш ва унга бўлган эҳтиёжни таъминлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-822-сонли Қарори
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 ноябрдаги “Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-726-сонли Қарори
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майдаги “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш

ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги ПҚ-640-сонли Қарори

11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида”ги Низоми, 2002 йил 15 апрель, 1122-сон.

12. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / – Т.:Ўзбекистон, 2009. - 56 б

13. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.

14. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011й.

15. Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. – Тошкент: « IQTISOD-MOLIYA», 2007. –347 б.

16. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. – Тошкент: Молия, 2002. –187 б.

17. Абдуллаева Ш.З. Банк иши. – Тошкент: Молия, 2003. –320 б.

18. Абдуллаев Ё., Қоралиев Т.М., Тошмуродов Ш., Абдуллаева С. Банк иши.-Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2009 йил

19. Қоралиев Т.М. Пул кредит орқали мувофиқлаштириш. - Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2007 йил.

20. Интернет сайтлари:

- www.cbu.uz
- www.mastercard.com
- www.bankir.uz
- www.uba.uz
- www.uza.uz
- www.agrobank.uz
- www.ahbor.uz
- www.finanzinstitut-online.eu